Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (13.299)

Баҳоси эркин нархда

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Томонлар турли вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида эришилган ўзаро келишувлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётганидан мамнуният билдирдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммоларни ҳам муҳокама қилиб, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан маслаҳатлашувларни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Суҳбат конструктив, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари руҳида ўтди.

ЎзА

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимиз тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Айни пайтда тармоқда 2 минг 500 дан ортиқ экспорт қилувчи корхона самарали фаолият юритиб, уларда юз мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бу корхоналарда газлама ва матолар, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари, замонавий чойшаблар, гиламлар ва бошқа рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Сўнгги ўн йил ичида тармоқда изчил ўсиш суръатлари таъминланиб, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,3, маҳсулотлар экспорти қарийб 4 баробарга ўсди. Ишлаб чиқариш таркибида тайёр маҳсулотларнинг улуши 65 фоиздан ортди. Бугунги кунда енгил саноат маҳсулотларининг экспорти қиймати йилига 1 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ҳамда тайёр кийим-кечак маҳсулотлари жаҳоннинг 60 дан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кеча Бектемир туманидаги 30-сонли мусиқа ва санъат мактабида тумандаги участка сайлов комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари, котиблари ҳамда комиссия аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинарни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов олиб борди.

Сайлов – 2016



СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ





Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, муддатидан олдин овоз бериш жараёнида участка сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалари, сайлов куни участка сайлов комиссияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг ваколатлари ва сайлов жараёнига оид бошқа муҳим масалалар хусусида атрофлича изоҳ берилди.

Тадбирда участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга ошириши, сайлов комиссияси мажлиси қарорининг аҳамияти, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги билдирилди.

Участка сайлов комиссиялари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузиши, сайловчиларни ушбу рўйхат билан таништириши, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилиши, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиши, сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилиши, овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлаши, сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиши, берилган овозларни ҳисоблаб чиқиши, сайлов натижаларига оид баённомаларни расмийлаштириши, сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ва қонун доирасида бошқа ваколатларга эга эканлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, участка сайлов комиссиялари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, сиёсий партияларнинг идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланди.

Тадбирда участка сайлов комиссияси аҳолини сайлов комиссиясининг жойлашган манзили, телефон рақами, иш вақти, овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиши, сайловчиларни қабул қилишни ташкил этиши, округ сайлов комиссияларидан далолатномалар асосида сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиши, сайлов варақалари ва бюллетенларини 2 нафар комиссия аъзоси имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқлаши ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириши лозимлиги айтиб ўтилди.

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузиши, бу ишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкинлиги, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиши шартлиги қайд этиб ўтилди.

Тадбирда сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида бир оила аъзосининг бошқа оила аъзолари учун овоз бериши каби ноўрин ҳолатларнинг олдини олиш масаласига эътибор қаратилди.

– Бугун туманимизда бўлиб ўтган сайловолди семинар-тренинги ҳуқуқий билимларимизни янада юксалтириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш борасида муҳим омил бўлди, – деди биз билан суҳбатда Бектемир туманидаги 71-участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Убайдулла Муҳамедов. – Мазкур тадбирда сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институтининг аҳамияти, сайлов жараёни ошкоралигини таъминлаш бўйича қимматли кўникмага эга бўлдик.

Семинар-тренинг кун тартибидаги масалалар бўйича 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси экспертлари, Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси Ф.Самиғжонов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бектемир туман бўлими раиси Б.Холмирзаев, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафаев, Бектемир туманидаги 291-мактаб директори Н.Кенжаева ва бошқаларнинг чиқишлари тингланди.

Тадбир якунида берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

* * *

Бу каби сайловолди тадбирлари Тошкент шаҳрининг Учтепа, Мирзо Улуғбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Яшнобод, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида ҳам бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган шаҳридаги 79-сайлов участкасида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича кўникмасини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренингда вилоят марказидаги бир қатор участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан илк маротаба "Баркамол авлод" болалар марказлари тўгарак аъзолари ўртасида "Болаларнинг техник ижодкорлиги" фестиваль-танлови ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад болаларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига бўлган қизиқишини янада ривожлантириш, техник ижодкорлигини рағбатлантиришдан иборатдир.

● Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар гимнастика мактабида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида 14 ёшгача бўлган имконияти чекланган болалар ўртасида "Гимнастика барча учун" шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди.

● "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида жорий йилнинг 9 ойи давомида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва келгусидаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан галдаги режалар, истиқболдаги лойиҳалар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

● Римнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири — Колизейнинг кузатувчиси Франческо Просперетти Италияда яқинда юз берган кучли зилзила оқибатида қадимий обиданинг қулаши мумкинлиги ва ўзининг 2 минг йиллигигача етиб бориши гумонлигини билдирди. Мутахассислар текширувидан сўнг табиий офат натижасида иншоотдаги хавфли ёриқлар катталашгани туфайли обиданинг бир қисми сайёҳлар учун ёпилган.

● Ҳиндистонлик миллиардер Манож Бхаргава электр гибридли велосипед ихтиро қилди. Унинг ёрдамида уйни электр қуввати билан таъминласа бўлади. Велосипедга ўтирган киши велотренажёр педалини айлантиришни бошласа, генераторни ишлатувчи қурилма ишга тушади ва аккумулятор қувватланади. Бир соатли ана шундай машқ хонадонни 24 соат электр қуввати билан таъминлайди.

● Boeing корпорацияси вертикал парвоз қилувчи ва қўнувчи йўловчи самолётини патентлади. Ҳаво кемасининг ҳам вертикал, ҳам горизонтал ҳолатда ишлай оладиган айланувчи винтли тўртта двигатель билан таъминланиши режалаштирилмоқда. Патентга кўра, лайнернинг йўловчи сиғими камида 100 кишини ташкил қилади, ундан минтақавий тижорат рейсларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, самолётдан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ва бизнес-жет сифатида эксплуатация қилиш имкониятлари бор.

Сайлов – 2016

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови компанияси тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Марказий сайлов комиссияси Президентликка номзодларни рўйхатга олди, сайловолди ташвиқот жараёни бошланди. Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири – фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган сайлов ҳуқуқининг кафолатланганидир.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқаро андозалар, юксак демократик принципларга ҳамда замон талабларига мос ва хос бўлган сайлов тизими шакланди. Сайлов ҳуқуқи – инсоннинг халқаро эътироф этилган муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Шу маънода фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқлари тўла амалга оширилаётганлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакилининг диққат марказида бўлиб турибди.

Сайлаш ва сайланиш – ҳар бир кишининг конституциявий сиёсий ҳуқуқларига киради. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сайлов қонунчилигининг мустаҳкам юридик пойдеворидир. Бош Қомусимизнинг 32-моддасида белгиланганидек, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар".

Асосий Қонунимизнинг 117-моддасида фуқароларимизнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши қайд этилган. Сайловларнинг умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши аниқ белгилаб қўйилган. Яъни, сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этишнинг асосий йўлларидан биридир. Шунинг учун ҳам сайловлар демократик тузумнинг негизини ташкил этади.

Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти шароитида фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи, шундан келиб чиқиб, умуман сайловнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни тўғрисида гапирадиган бўлсак – мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг илк давридан бошлаб демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ислоҳотларни изчил ва қатъий, узвий ва босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бу борадаги энг устувор мақсадларимиздан бири бўлиб, барча масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари Конституция ва қонунларимизда ўз аксини топгандир.

Сайлов ҳақида сўз борганда, аввалambor, ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда мунтазам ўтказиладиган сайловлар айнан демократик ҳамда адолатли жамиятнинг ажралмас қисми ва ўзига хос белгисидир. Чунки демократия – бу халқ ҳокимияти, демакдир. Халқ эса, Конституциямиз талабига кўра, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, мамлакатимиз қонунчилигига биноан Президентликка номзодлар ҳуқуқлари кафолатлари, хусусан, сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланганини кўрамиз.

Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан ҳабар қилинади. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш номзодлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадбирлар пайтида улар учун мазкур ҳудудлардаги мавжуд муаммолар билан яқинроқ танишиш, уларга нисбатан ўз муносабатини билдириш имконияти туғилади. Бу сайловчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, сайловчи номзоднинг шахси ва дастури билан яқиндан танишиши, ўз саволларини бериши ва уларга жавоблар олиши, умуман, номзод тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин.

Миллий сайлов қонунчилигимизда номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича белгиланган қоидалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пакт, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йилда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро иттифоқ томонидан 1994 йилда қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принциплар ва бошқа ҳужжатларда ушбу масала атрофлича очиб берилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида Президентликка номзодлар ва сайловчилар ҳуқуқлари тенг ва адолатли равишда кафолатланган ва бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилгандир.

Сайловлар – бевосита демократиянинг ёрқин намоён бўлиши, демакдир. Демократия эса бошдан кечирилган тажрибага, тўлиқ ўзаро келишувга, масъулиятга асосланган тақдирдагина яшайди, ривожланади. Ўз навбатида, демократия – фақатгина сайловчилар процедураси ёки бошқариш шакли эмас, балки турмуш тарзи ҳамдир.

Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашуви кузатилмоқда. Фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Сайлов ҳуқуқи – ҳар бир фуқаро учун бир хилдир. Бу – истиқлол даврида эришилган энг катта ютуғимиз, бу – сайловчиларимизнинг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигининг, юртдошларимиз ўз ҳаёти, ўз келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларининг яққол намоёнидир.

Бунга далил сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги томонидан олиб борилаётган ишларни кўришимиз мумкин.

2016 йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакили номига жами 256 та фуқаро мурожаат қилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги 62 та мурожаат назоратга олиниб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда атрофлича ва пухта ўрганилиб, шулардан 12 таси ижобий ҳал этилди, 39 тасига тушунтириш ҳамда тавсия мазмунидаги жавоб хатлари, иш бўйича маълумот ва мутахассис хулосалари берилди, қолганлари эса ҳозирда кўриб чиқиш жараёнида. Минтақавий вакиллик ходимларининг шахсий қабулида қабул қилинган 190 та фуқаронинг оғзаки мурожаатига эса муаммоларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб мурожаат вақтининг ўзида тегишли тавсия, тушунтириш ва маслаҳатлар берилди, 4 та мурожаатга "Ишонч телефони" орқали мулоқотда бўлиб тегишли жавоблар қайтарилди. Мурожаатларнинг 130 таси аёллар, 119 таси эркаклар, 7 таси жамоа – кўпчилик номидан келиб тушган.

Фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда минтақавий вакиллик томонидан ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларга чиқиб ёки ариза муаллифлари ҳамда ушбу ишга алоқадор юридик шахсларни вакилликка жалб қилиб муаммоларни ўрганиш билан бирга, кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун жами 55 та мурожаат 31 та мутасадди ташкилотларга юборилди: Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ХЧК ва ФРБси, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари уюшмаси, Тошкент шаҳар Пенсия жамғармаси шулар жумласидандир. Бу эса албатта фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти тобора ўсиб бораётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, биз демократик давлат қуряпмиз, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиряпмиз. Сайлов эса демократия кўзгуси, демократия тимсоли демакдир. Президент сайлови тимсолидаги улкан ижтимоий-сиёсий тадбир ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш иродасини эркин билдириш ҳуқуқини рўёбга чиқариши, сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий амал қилиниши эса барчамизнинг бурчимиздир.

Шомурод МУҲАМЕДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакили

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида сифат ўзгаришларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, умуман тўхтаб қолган эски ип-йигирув комбинатлари ўрнига замонавий технологиялар билан жиҳозланган хорижий ва қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Тармоқнинг кўплаб корхоналари модернизация қилинди, уларда халқаро андозалар даражасидаги товарлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди. Тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва преференциялар уларнинг ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашига имкон яратмоқда.

Пахта толасини чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали юртимизда енгил саноат тармоғини янада ривожлантириш бўйича тегишли дастурлар ишлаб чиқилаётир. Жумладан, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш дастури асосида тўқимачилик саноатида умумий қиймати қарийб 1 миллиард долларга тенг бўлган 77 муҳим лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ, "Asaka textile production" корхонасида бўялган ип калава, "Indorama Kokand textile" қўшма корхонасида ип калава ишлаб чиқаришнинг тўртинчи босқичи, "Jizzax grant textile" корхонасида пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби янги қувватлар фойдаланишга топширилди. "Uztex Toshkent" ва "Ҳумо тўқимачи" корхоналарига замонавий ускуналар ўрнатилиб, модернизация қилиш ишлари якунига етказилди.

2017-2021 йилларда тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини янада ривожлантириш дастури асосида умумий қиймати 2,2 миллиард доллардан ортиқ бўлган 140 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

– Мазкур инвестиция лойиҳалари негизида, асосан аҳоли зич жойлашган ҳудудларда вертикал интеграциялашган тизимни жорий этиш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги тўқимачилик мажмуалари бунёд этилади, мавжудлари модернизация қилинади ва уларда 27 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади, – дейди Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи Бунёд Ражабов.

Тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон енгил саноатини янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга мустаҳкам замин яратади.

Анжуманда мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

СОЛИҚЛАР – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Солиқларни ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаб бориш мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокими томонидан шу йилнинг 14 июль куни бир қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, Тошкент шаҳридаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан мавжуд қарздорлигини қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилди.

Айнан шу тадбирларнинг давоми сифатида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида маҳалла раислари, давлат солиқ хизмати масъуллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

– Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, – дейди Шайхонтоҳур тумани ДСИ бошлиғининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Мирпўлатов, – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори билан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини таъминлашдан иборат. Туманимизда ҳисобот йилида жами 12 миллиард сўмлик қарздорлик аниқланган бўлса, унинг 95 фоизи ундириб олинди, қолган қарзларни ундириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 277 ҳамда 294-моддаларида ер ва мол-мулк солиғининг охирги тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябригача этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғининг солиқ солиш объекти, уларнинг ҳисоблаб чиқарилиши ва тўлаш тартиблари ҳамда солиқлар бўйича тушган маблағлар тўғридан-тўғри туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларига сарфланиши, ўз вақтида тўланмаган солиқ суммаларига мажбурий ундирув чоралари қўлланилиши билан бирга қўшимча равишда харажатлар ҳосил бўлиши юзасидан тушунтиришлар берилди.

Йиғилишда солиқ мажбуриятини муддатида бажармаган фуқароларнинг мавжуд қарзини маҳаллалар кесимида танқидий муҳокама қилиниб, ушбу қарздорликни қисқартириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

З. ШАРИФЖОНОВ

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Ёшлар ижод саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш, унда ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзуида онлайн мулоқот ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати ходимлари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, истеъдодини юзага чиқариш, жаҳон андозалари даражасида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

Ёшлар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётир. Буни жорий йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" шиори остидаги тадбирлар, "Юрагингдан овоз бер!", "Сенинг овозинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга!", "Биринчи марта овоз бераман!", "Фуқаролик позициянгни намоён эт!" мавзуларидаги видеороликлар, баннер ва буклетлар тарғиботи ёшларнинг сайлов тўғрисида хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

– Жойларда "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзуида давра суҳбати ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бўлим бошлиғи Маъмур Баёнов. – Мақсад – ёшларнинг сиёсий жараёнларга нисбатан мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, уларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳурмат ҳиссини кучайтириш, ёш сайловчилар, айниқса, биринчи марта сайловда қатнашадиган ёшларнинг хабардорлигини оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар", деб таъкидланган.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк марта овоз бераман, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Нилуфар Ҳамидова. – Ўтказилаётган давра суҳбатлари ва онлайн мулоқотларда мамлакатимиз сайлов тизими ва қонунчилигига доир билимларимизни ошириб бормоқдамиз. Ватанимиз тараққиёти, тинчлик-осойишталигимиз, мамлакатимиз истиқболига ҳисса қўшадиган, халқимиз, хусусан биз, ёшларнинг келажагимиз учун қайғурадиган, юрт тақдири учун фидойи бўлган муносиб номзод учун овоз беришни ният қилганмиз.

Ўз юрти ва унда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга бефарқ бўлмаган, ўз тақдирини юрт тақдири билан боғлаган ҳар бир ёш сайловларда масъулият билан иштирок этади. Онлайн мулоқот давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан интернет тармоқлари орқали 200 дан ортиқ савол тушди, уларга тегишли жавоб берилди.

Онлайн мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳар бир фуқаро фаоллик ва масъулият билан иштирок этиши, бу жараёнда ёшлар ўз фикри, мустақил фуқаролик позициясига эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

А.ҚИЁСОВА

Мамлакатимизда сайловларнинг эркин, очиқлик ва ошкоралик принципларига асосланган ҳолда ўтказиб келинаётганлиги ҳуқуқий демократик давлат қуришда муҳим ўрин тутмоқда.

ЎЗ ОВОЗИМГА ЭГАМАН

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. 14-Тошкент шаҳар сайлов округида 2 миллионга яқин сайловчи рўйхатга олинган. Улардан 31 мингдан ортиғи биринчи марта сайловда иштирок этадиган ёшлардир. Округ сайлов комиссияси томонидан таълим муассасалари ва маҳаллаларда ташкил этилаётган тадбирлар ёш сайловчиларнинг ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилаётир.

Чилонзор туманидаги 437-сайлов участкаси ҳам белгиланган тартибда жиҳозланган бўлиб, бу ерда ташкил қилинган тиббий, она ва бола хоналари сайловчиларга янада қулайлик туғдиради. Сайлов куни ҳамда (айрим сабабларга кўра) муддатидан олдин овоз беришни намунали ташкил этиш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ишлари қизғин кечмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадир. Мазкур ёшдагилар бевосита сайловчилар рўйхатига киритилиши "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида қайд этилган бўлиб, унда "Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар", дейилган.

Тошкент 2-юридик коллежининг 3-босқич ўқувчиси Суробиддин Норхўжаев ҳам бу йил сайловда илк бор иштирок этади.

– Ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган ҳар бир ёш Президент сайловида фаол иштирок этиши зарур, – дейди ЎзА мухбирига Суробиддин. – Сайловчиларнинг сайлов кунидаги қарори эртамизни, келажагимизни белгилаб беради. Конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, сайловда албатта иштирок этаман. Ва ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бераман. Менинг овозим ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишига ишонаман.

– Президент сайловида илк бор қатнашаман, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зулҳаё Раимқулова. – Сайловда муносиб иштирок этиш учун сиёсий партиялар фаолияти ва номзодлар дастурлари билан жиддий танишяпман. Номзодлар орасидан тафаккури юксак, салоҳиятли, ғоялари ҳаётий бўлганини танлаб, унга ўз овозимизни берсак, келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Илк маротаба сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмас. Уларнинг фикрларини тинглар экансиз, сиёсий дунёқараши камол топиб, давлат ва жамият миқёсида рўй бераётган жараёнларга ўз муносабатини билдира олиш қобилияти шаклланганига гувоҳ бўласиз. Демак, ёшлар Президент сайловида фаол ва муносиб иштирок этади.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фуқаролар, ижтимоий соҳа объектлари, моддий ва маънавий бойликлар дахлсизлигини таъминлаш, уларга бўладиган турли хавф-хатарларнинг олдини олишда Республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг алоҳида ўрни бор.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Истиқлол йилларида қўриқлаш тизимининг замон талабларига жавоб бериши, ишончлилиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган туб ислоҳотлар олиб борилди. Натижада фуқаролар, турли ташкилот ва муассасаларнинг ушбу хизматга бўлган ишончи ортиб бораверди. Буни ўтган давр мобайнида мазкур хизмат ходимлари томонидан қўриқланадиган объектлар сони бир неча баробарга кўпайганида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йиллар давомида қўриқлаш хизмати томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳам самарадорлиги ошди. Масалан, ходимлар томонидан жиноят содир этишда гумондор сифатида ушланган ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлга олинганлар сони сезиларли даражада кўпайди.

Қўриқлаш сифатини оширишда замонавий технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Шу боис қўриқлаш бўлинмаларининг моддий-техник базасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилаётган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализация воситаларини замонавийларига алмаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Ҳозирда хизмат фаолиятида микроэлектроника ва микропроцессор техникасининг энг сўнгги ютуқларига асосланган асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Бу эса қўриқлашнинг самарадорлиги ва ишончлилигини оширади. Шунингдек, ҳозирда техник қўриқлаш пультларини тўлиқ компьютерлаштириш, радиотўлқин орқали қўриқлашни жорий этишда қатор изланишлар амалга оширилмоқда.

Хизмат фаолиятини янада такомиллаштиришда чет эл тажрибасини ўрганиш муҳимдир. Шу сабабли МДҲ давлатларининг қўриқлаш хизматлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, Олмаота, Киев, Москва, Душанбе ва Боку шаҳарларида МДҲ давлатлари қўриқлаш хизмати раҳбарларининг учрашувларида мамлакатимиз қўриқлаш хизмати вакиллари ҳам бевосита иштирок этди.

Бугунги кунда қўриқлаш бўлинмаларини қайта жиҳозлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор техник қўриқлаш пультларини сўнгги техникалар билан қайта жиҳозлашга ва эскиларини алмаштиришга қаратилган. Жумладан, шу кунларда Тошкент шаҳрида янги хабар узатиш тармоқлари синовдан муваффақиятли ўтганлиги сабабли Мирзо Улуғбек, Учтепа ва Чилонзор туманлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимларининг техник қўриқлаш пунктларига замонавий интеграллаштирилган маълумотни узатувчи ва қабул қилувчи қурилмалари ўрнатилди. Бундай технологияларни шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Қўриқлаш хизматида замонавий технологияларнинг қўлланилиши фуқароларимиз хавфсизлиги, ижтимоий соҳа объектларининг дахлсизлиги, бир сўз билан айтганда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилади.

Абдуалим САЛИМОВ

Фестивал

ДУНЁ ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Дунё талабалар нигоҳида" фестивали олдидан матбуот анжумани ўтказилди.



Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари жорий йилнинг 17 декабрида Ёшлар ижод саройида ўтказиладиган "Дунё талабалар нигоҳида" фестивалининг мақсади ва дастури билан таништириб ўтилди.

— Фестивални ўтказиш ғояси институтимизнинг 4- ва 2-босқич талабалари томонидан таклиф этилди, — дейди "Дунё талабалар нигоҳида" фестивали ташкилий қўмита аъзоси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 2-босқич талабаси Мунисахон Сиддиқова. — Юртимизда иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланиши, истеъдодларини намоён этишга барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фестивални ўтказиш ғояси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти раҳбарияти томонидан илиқ кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Унга маданият ва санъатимизнинг машҳур ва етакчи арбоблари жалб этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад – кенг жамоатчиликни талабалар ҳаёти ва иқтидор эгалари билан таништириб ўтишдир, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси Гулнора Худойберганова. — Шунингдек, миллий маданиятимиз ва бошқа давлат маданиятларини талабалар нигоҳида акс эттиришдан иборатдир. Фестиваль меҳмонлари унутилмас концерт дастури ва турли хил саҳна кўринишларидан баҳраманд бўладилар.

Матбуот анжуманида фестиваль давомида талабалар ҳаётини акс эттириши билан бирга, мамлакатимиз ва бошқа юртлар маданияти билан яқиндан таништириши, бутун дунёга юртимиз шарафини кенг ёйган спортчиларимиз билан учрашиш имконияти яратилиши ҳақида ҳам айтиб ўтилди. "Ҳаёт ранги" талабалар фотосуратлари, "Сеҳрли ижод" ҳунармандлар кўргазмалари, "Дунё кўзгуси" видеороликлар, "Маданият – миллийлик дурдонасидир" либослар намойишлари, моҳир ҳунармандлардан мастер-класс, "Ёрқин дунё" концерт дастури, "Диджей ва репперлар" танлови талабалар фестивалининг дастуридан ўрин олган.

— Фестиваль доирасида "Ҳаёт ранги" фотосуратлар кўргазмасида профессионал фотосуратлар эмас, балки талабаларимизнинг кундалик ҳаётидан олинган лавҳалар, талабалар турар жойидаги воқеалар ёки турли хил лойиҳалар устида олинган суратлар, байрам дастурларига тайёргарлик жараёнлари, яқин дўстлар ёки ўқитувчилар билан биргаликда олинган фотосуратлар намойиш этилади, — дейди "Ҳаёт ранги" фотосуратлар кўргазмаси йўналиши бўйича масъул, институтнинг 4-босқич талабаси Зарифа Назарова. — Шунингдек, кўргазма давомида фотосуратлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Мамлакатимиздаги бугунги тинч ва осойишта кунларимиз, ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилаётган юксак эътибор келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз. Олдига катта мақсадларни қўйган, аждодларига муносиб авлод бўлаётган бу ёшларга муваффақият ёр бўлсин деймиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

КЕКСАЛАРГА ЭЪТИБОР

Жорий йилнинг 6 октябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд қатламлари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 7-ялпи мажлисида маъқулланди.

Шу муносабат билан "Нуроний" жамғармасининг кексалар билан узвий ишлаш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида "Муаммолар ва ечимлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда республиканинг барча вилоятларидан келган "Нуроний" жамғармасининг вакиллари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Тадбирда "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси М.Зуфаров сўзга чиқиб, қабул қилинган Қонуннинг мазмуни, моҳияти ва мақсадини тушунтириб, шу давр ичида мамлакатимизда кексаларга кўрсатилган ҳурмат-эътибор туфайли "Нуроний" жамғармаси фаоллари ўнлаб орден ва медаллар билан тақдирланганлиги, 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланганлиги ва унинг асосида Давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилганлиги, унинг натижасида қарияларнинг турмуши, соғлиғи, уй-жой таъмири, кийим-кечаги борасида муаммолар ўз ечимини топганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Давра суҳбати давомида сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган ва қилинаётган қонунлардан мамнун эканликлари ва кексалар ўз турмуш тажрибалари ҳамда билимларини ёшларга ўргатиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали юртимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшишларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳабибулла ЭРМАТОВ,
Тошкент шаҳар "Нуроний" жамғармаси ходими

ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунини касаба уюшмалари тизимидаги корхона ва ташкилотларда амалга киритиш, шунингдек, аҳамияти ва афзаллигини кенг тарғиб этиш мақсадида "Сувмаш" очиқ турдаги акционерлик жамиятида тадбир ўтказилди.

Корхонада бевосита меҳнат муҳофазаси масалалари билан банд бўлган 70 нафардан ортиқ муҳандис-техник ходимлар ушбу Қонуннинг афзалликлари, уларда соҳа вакилларига берилаётган имтиёз, кафолатлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

Тадбирда ушбу Қонунни ишлаб чиқиш жараёнидан то уни қабул қилинишгача бўлган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Қонун 36 моддадан иборат бўлиб, унинг нормалари бугунгача қабул қилинган қонунлар ва халқаро меъёр талабларига мувофиқлаштирилди, янги нормалар киритилди ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган ва бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган нормалардан воз кечилди, бунда: қонуннинг тузилмаси янгиланди, юридик техника юзасидан қонун қайта кўриб чиқилди. Бир сўз билан айтганда мақсадлар белгиланиб, асосий тушунчалар киритилганлиги; меҳнат муносабатларининг иштирокчилари ва ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилганлиги; ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш масалалари ҳамда хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳам шартнома асосида шу ишлар билан шуғулланиши мумкинлиги қайд этилганлиги; меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш манбалари, қайси мақсадларда фойдаланиши кўрсатилиб ўтилганлиги; иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси, бошқариш тизимининг аудити, меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш каби нормалар эндиликда иш берувчилар ва ходимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш бўйича масъулиятини оширишга хизмат қилиши ҳақида соҳада касаба уюшмалари ваколатлари кенгайтирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

